

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

М.Исмоилов, З.Кўпайсинова

Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар 6

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов

Индивидларнинг умр қўриш давомийлиги ҳақида 11

В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова

Фаргона водийси қумли даҳалар тупроқлари 14

А.Махсумов, Б.Исмаилов

1-фенил азонафтот-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши 20

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров

Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши 24

С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев

Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомплексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари 29

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

И.Носиров

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари 33

С.Хусанбоев

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари 40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ў.Аҳмедова

Таълимнинг ижтимоийлашуvida маънавий тарбия масаласи 44

ТАРИХ

О.Маҳмудов

Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар 47

С.Юлдашев

Фаргона сомоний волийлар бошқаруви даврида 53

А.Атаходжаев

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири 61

И.Гуломов

1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир 67

А.Алоҳунов

Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар 73

В.Абиров

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши 77

Ш.Холикулов

Россия империяси суд-хуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти 84

Ш.Усанов

Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари 89

ТАРИХ

УДК: 950

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ МУАММОСИНИНГ АНТРОПОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА АКС ЭТИШИ

ОТРАЖЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ ЭТНОГЕНЕЗА И ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА В АНТРОПОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

REFLECTION OF THE ETHNOGENESIS PROBLEMS AND ETHNIC HISTORY OF UZBEK PEOPLE IN THE ANTHROPOLOGICAL RESEARCH

Абиров Валишер Элмуородович¹

¹Абиров Валишер Элмуородович

– Тошкент давлат университети, таянч докторант.

Аннотация

Мақолада минтақада олиб борилган антропологик тадқиқотлар натижасида ўзбек халқи этогенези ва этник тарихи муаммосининг ёритилиши масаласи ўрганилган.

Аннотация

В статье исследуется проблема этногенеза и этнической истории узбекского народа в результате антропологических исследований в регионе.

Annotation

The article examines the issue of ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people as a result of anthropological research in the region.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбеклар, антропология, этногенез, этник тарих, эволюция, ирқий тип, Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи, автохтон.

Ключевые слова и выражения: узбеки, антропология, этногенез, этническая история, эволюция, расовый тип, тип Среднеазиатского междуречья, автохтоны.

Keywords and expressions: Uzbeks, anthropology, etogenesis, ethnic history, evolution, racial type, race of the Central Asian interfluve, autochthonous.

Тарихий-миллий тикланиш жараёнини бошдан кечираётган ҳар қандай жамият, ўзининг келиб чиқиши тарихи, қадимги давлатчилик анъаналари түғрисидаги билимлар учун эҳтиёжни ҳис қиласди. Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгандан сўнг, минтақа халқларининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш масаласининг илмий аҳамияти анча ошди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам халқнинг этногенез ва этник тарихини ўрганишда кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилди. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи соҳасидаги тадқиқотларни ўрганишни кучайтириш зарурлиги ҳақида гапирганда, аввалги авлод тадқиқотчилари томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижалари ва таҳлилини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ўтган йиллар давомида ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи бўйича этнография, археология, антропология, манбашунослик, нумизматика, тилшунослик, эпиграфия каби фанлар соҳасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан, антропология йўналишида олиб борилган тадқиқотлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

XIX аср биринчи ярмида ижтимоий-гуманитар соҳаларидағи илмий кашфиёт ва ютуқлар “инсон” ҳақидаги билимларни тизимлаштиришга туртки бўлди. XIX аср ўрталаридан бошлаб одамнинг эволюцион қарашлари, хусусан, инсон биологиясини ўрганишни ривожлантириш ғоялари шаклланди. Муайян тадқиқот чегарасини ва муаммоларини белгилаб олган антропология соҳаси одамларни, уларнинг аждодларини вақт ва макон орқали жисмоний хусусиятлари, экологик, ижтимоий муносабатлар ҳамда маданият билан боғлиқ ҳолда ўрганишга киришиди.

Этногенез ва этник тарих муаммосини тадқиқ этишда антропологик тадқиқотлар натижалари ҳам муҳим саналади. Одамнинг келиб чиқиши, унинг эволюцияси, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ ва тафовутлар, ўзгарувчанлиги масалаларини ўрганиш халқ этногенезининг тарихий босқичларидаги муаммосини ечишда муҳим роль йўнайди. Марказий Осиё минтақасида, унинг географик жойлашувига кўра қадимги давлардан мураккаб ирқий ва этник жараёнлар кечган,

шунингдек, кўшни халқларнинг ҳам тарихий шаклланишда муҳим роль тутган.


Антрапологик тадқиқотларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи (№1 жадвалга қаранг)

I. XX аср 20-50 – йиллар;

II. XX аср 70-80 – йиллар;

III. Мустақиллик йиллари.

муаммосининг ёритилишини хронологик жиҳатдан уч босқичга ажратиш мумкин.



Жадвал №1

XX аср 20-40 – йилларида ўзбек халқи этногенезини антропологик жиҳатдан ўрганишга киришган олимлар олдида қуидаги масалалар турар эди: 1) ўзбек халқи илк ўзаги ва унинг шаклланишида иштирок этган типларни ўрганиш; 2) ўзбек халқи илк ўзаги шаклланган ҳудудни аниқлаш; 3) узоқ тарихий жараён давомида бу типнинг бошқа типлар билан аралашувини кузатиш; 4) ҳозирги замон типининг шаклланишида қандай типлар иштирок этганини кўрсатиш [16:75-76]. 1927 ва 1928 йилларда Л.В.Ошаниннинг “Материалы по антропологии Средней Азии. Узбеки Хорезма” деб номланган икки қисмдан ташкил топган асари чоп этилди. Асарда қадимги даврдан XX асргача бўлган даврда Хоразм воҳасидаги хар ҳил турдаги анропологик элементлар ўрганилиб, Хоразмда калта бошли эронийлар ва узун бошли скиф-сармат кўчманчи қабилаларнинг ўзаро аралашиш жараёни содир бўлганлигини тахмин қилиб, антропологик белгиларига кўра Хоразм ўзбеклари аралаш таркибдаги халқ, деган фикрни илгари суради.

1930-40 – йиллар оралиғида Ўрта Осиё минтақасида миллий ўзлигини тиклашга қаратилган аҳолининг уринишлари натижасида қатағончилик сиёсати авж олди. Ўлка халқларининг тарихига оид маълумотларни ҳатто рус тарихчи олимлари ҳам нашр этишга чўчиди. II жаҳон уруши бошларида немис олимларининг “олий ирқ” назарияси кенг оммалашди. Собиқ СССР томонидан мустамлака халқларнинг миллый хусусиятларини назарий ва ғоявий жиҳатдан асосланган шаклда тадқиқ этиш долзарб масала сифатида кўтарилди. Шундай бўлсада, антропологик ва этнографик тадқиқотлар

тўхтаб қолмади. Мисол қилиб, Л.В.Ошаниннинг Фарбий Помирнинг эронийзабон қабилаларига бағишлиланган тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

XX аср 40 – йилларида Ўзбекистонда антропология соҳаси олдида турган вазифаларнинг сони кўпайиб, давр нуқтаи назаридан долзарб аҳамият касб эти. Соҳага оид ташкилий фаолият ва антрополог мутахассисларни тайёрлаш жадаллашди. Минтақани антропологик жиҳатдан ўрганиш натижасижа бир қатор фундаментал тадқиқотлар пайдо бўлди ва келажақда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар аниқланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида немис антропологи Ханс Фридрих Карл Гюнтер ирқчилик назариялари [2] Ўрта Осиё ва унга кўшни бўлган халқлар ва мамлакатлар келиб чиқиши, маданияти Марказий Германиянинг шимолий орийларига бориб тақалишини кенг тарғиб қилмоқда эди. Ўрта Осиё халқларининг этногенези ва этник тархи масалалари бўйича 1942 йилда Тошкентда миллний автохтонизм концепцияси асосидаги маҳсус илмий сессияда Ўрта Осиё аҳолисининг антропологик жиҳатдан ҳар томонлама ўрганилиши ва натижаларига кўра, бу назария қатъий рад этилди. Ушбу маҳсус илмий сессияда антрополог Л.В.Ошанин “Этногенез народов средней Азии в свете данных антропологии” [9:305-307] мавзусида маъруза қилиб, узоқ йиллар мобайнида ўзбек ва тожик, тожик ва қирғиз халқларининг антропологиясини қиёсий ўрганганлигини, ўзбек ва тожикларда, қозоқ ва қирғизларга қараганда ўзига хос брахицефал европеоид ирқий тип мавжуд бўлганлигини таъкидлаб, бу антропологик типни Л.В.Ошанин

ТАРИХ

“Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқий типи” деб атайди. Л.В.Ошанин ва В.Я.Зезенкова ҳамкорлигидаги мақолалар түпламида [10] Л.В.Ошанин “Антрапологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов в свете данных антропологии” мақоласини эълон қилди. “Ўрта Осиё аҳолисининг индивидуал антропологик хусусиятларининг географик тақсимоти ва маълум бир минтақада яшовчи турли этник гурухларнинг қиёсий антропологик таҳлили шуни кўрсатдики, қабилалар ва халқлар камида олтита ирқни ўз ичига олган: иккита монголоид – Жанубий Сибир ва Марказий Осиё ва тўрта европеоид – Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ёки Помир-Фарғона, Каспий бўйи ёки Ўрта ер денгизи шарқий тармоғи, Хурросон ва Олд Осиё ёки Арменоид” [10:12] – деб таъкидлайди муаллиф. 50-йиллар охирида Л.В.Ошанин Ўрта Осиё халқларининг антропологияси ва этногенези бўйича кўп йиллик тадқиқотлари давомида тўплланган илмий материалларини умумлаштирган уч жилдлик асарини нашр этди [8].

Антропология фанининг ривожига антрополог Қ.Н. Нажимов ҳам ҳисса қўшди. Унинг тадқиқотлари [7] натижасида Сурхондарё вилояти антропологик жиҳатдан ўрганилиб, инсон пайдо бўлган ўчоқлардан бири эканлигини аниқлади. Қ.Нажимов Сурхондарё вилоятида европеоид ирқи ҳамда монголоид белгилари мавжуд бўлган Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг брахицефал (ўзбеклар, тожиклар), долихоцефал Каспий бўйи (туркманлар) ва долихоцефал Хурросон ирқи намуналари бор аҳоли қатлами яшайди, деган хulosага келади.

Л.В.Ошанин, В.Я.Зезенкова, В.В.Гинзбург, М.М.Дъяконов, Т.А.Трофимова, А.И.Ярҳо ва бошқаларнинг илмий асарларидан келиб чиқсан фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, ўзбек халқининг илк ўзаги Амударё ва Сирдарё оралиғида европеоид ирқий тип бўлган асосий қатлам (мил.авв. III-II минг йилликлар) ва монголоид ирқий тип (мил.авв. I минг йиллик) вакилларининг ўзаро аралашуви жараёнида шаклланди. Инсон бош суюкларини қиёсий ўрганиш натижасида, ҳар хил ирқий типларнинг ўзаро аралашуви кузатилган бўлиб Ўрта Осиёга монголоид ирқий типнинг милоддан аввал пайдо бўлганини аниқладилар [16:86].

Ўзбек халқини антропологик жиҳатдан ўрганишда Ўрта Осиё давлат университети антропология кафедраси асосчиси ва раҳбари Л.В.Ошаниннинг хизмати катта бўлди. Унинг раҳбарлигига Туркистон бўйлаб 29 та

антропологик экспедиция уюштирилди. Олимнинг узоқ йиллар изланишлари натижасида, Ўрта Осиё аҳолисининг шаклланиши мураккаб жараёнда кечганлигини ва унинг антропологик типини кўрсатиб берди. Л.В.Ошанин ва унинг шогирдлари В.Я.Зезенкова, Қ.Н.Нажимовларнинг саъй-харакатлари натижасида Туркистон антропологик жиҳатдан учта вилоятга ажратилди. Амударё ва Сирдарё оралиғида яшовчи ўзбеклар ва тожиклар ер юзидағи мавжуд учта ирқнинг (европеоид, негроид ва монголоид) бири – европеоид ирқининг “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”га мансуб, деб топилди. Москвалик антрополог А.И.Ярҳо бу ирқни “Помир-Фарғона типи” деб атади. Фарғона водийсидаги Селунғур ва Сурхондарёдаги Тешиктош ғорларидан топилган қадимги аждодларимиз қолдиқлари туфайли Ўзбекистон Африка ва Олд Осиё худудлари билан бир қаторда, ҳозирги замон одамларининг пайдо бўлиши жараёни юз берган худудлар таркибиға киритилди. XX аср 20-50 – йилларда антрополог олимларнинг Ўрта Осиёда олиб борган тадқиқотлари натижасида, Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқий типи Хоразм, Чоч, Суғд, Бақтрия ва Фарғона каби қадимий вилоятларни ўз ичига олади. Ўзбек халқининг шаклланиш ўзаги ушбу минтақа, ўзбек халқи эса икки дарё оралиғидаги маҳаллий-автохтон халқ, деган холосани берди.

XX аср 70-80 – йилларида Ўзбекистонда археологик экспедициялар билан бир қаторда антропологик тадқиқотлар ҳам жадаллашди. Антрополог ва археолог олим ҳозирги кунда Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институтининг жисмоний антропология маркази бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Т.К.Ходжайов асарлари ва илмий мақолалари нашр этилди. Олимнинг илмий изланишлари натижасида бронза даври Сополлитепа аҳолисининг антропологик таркиби, қадимги Ўзбекистоннинг палеоантропологияси, Марказий Осиё антропологияси, Ўрта асрларда Марказий Осиёда этногенетик жараёнлар, Миздаҳқандан, Тўққала, Кердер манзилгоҳлари, Устюрт палеоантропологик материаллари, неолит давридан XX аср бошларига қадар Ўрта Осиёда антропологик типларнинг шаклланиш йўналишлари динамикаси, Марказий Осиё ва Қозогистон халқлари антропологияси, Ўрта Осиё палеоантропологияси ва этногенетик муаммолари, Зарафшон водийсининг энг

қадимий, қадимий ва Ўрта аср аҳолиси, Марказий Осиё халқларининг этник тарихи, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг этногенези ва этник тарихи муаммолари ўрганилди. Албатта, бу тадқиқотлар ва уларнинг натижалари ушбу давр жиҳатидан катта ютуқ эди. 1980 йилда В.П.Алексеев ва А.А.Аскаров ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Некоторые проблемы комплексного изучения этногенеза узбекского народа” [1: 26-34] номи остидаги мақоласида этногенез ёки маълум бир халқнинг келиб чиқиши муаммоси, уни шакллантириш асосан совет тарихий илм-фанига боғлиқлигини ёзади. СССРда миллый маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Табиийки, миллый маданиятларнинг ривожланиши билан халқнинг ўтмишига, келиб чиқиш тарихига қизиқиши ортиб боради, деб қайд этади [1:26]. Мазкур мақола ўзбек XIX аср охиридан XX аср 70-йилларига қадар совет даврида олиб борилган археологик, этнографик, антропологик тадқиқотлар натижаларини кўрсатиб, мағкуравий қолипдан четга чиқипмай ёзилган бўлса-да, муаммо доирасида амалга оширилиши лозим бўлган кўп йиллик мақсадли дала ва стационар тадқиқотлар, республика бўйлаб турли даврларда дағн этилган қабристонларда археологик қазишмалар олиб бориш, республиканинг турли минтақаларига топонимик ва лингвистик экспедицияларни ташкил этиш билан тизимли экспедиция сафарлари орқали этнографик материаллар ийғиши, қадимги муаллифлардан Ўрта Осиё халқлари ҳақидаги маълумотларнинг таржимасини ва ўзбек халқининг этногенезига оид ўрта аср араб ва форс манбаларини тўплаш, аҳоли генетикаси бўйича кенг кўламли ва лаборатория тадқиқотларини ўtkазиш каби масалаларини кўрсатиб берди.

70-80 – йилларда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида антропологик тадқиқотлар ўтказган антрополог олимлар ўз изланиш натижалари билан кўплаб илмий янгиликларни фанга киритиб, Л.В.Ошаниннинг концепциясини мустаҳкамладилар. Антропологик материаллар асосида минтақа аҳолисининг антропологик таркиби, унинг хусусиятлари, Ўрта Осиё аҳолисининг қайси типлар натижасида шаклланиш белгилари таҳлил қилинди. Жанубий Ўзбекистон худуди инсон пайдо бўлган ўчоқлардан бири эканлиги исботланди. Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқий типининг шаклланиш даври аниқланиб, монголоид тип билан аралашув жараёни,

европеоид ирқка тегишли типлар ҳам яшаганлигини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида Т.К.Ходжайов ва Г.К.Ходжайовларнинг илмий изланишлари натижасида, бир қатор тадқиқот ишлари чоп этилди. Т.К.Ходжайовнинг монографик тадқиқотлари ва илмий мақолаларида ўзбек халқининг антропологик қиёфаси, Ўрта Осиёнинг қадимги, Ўрта асрлар ва ҳозирги замон аҳолисининг антропологик таркиби, уни ташкил қилувчи ирқий ва этник гуруҳларнинг ўзаро алоқалари масалаларига доир хуносаларини берди. Илмий изланишлари давомида XX аср 70-йилларида хукмрон бўлган мўгулий ирқ хусусиятларини мужассамлаштирган аҳоли Марказий Осиёга илк бор бундан икки минг йил илгари хун қабилалари билан бирга кириб кела бошлаган, деган фикрни тўлдириб, мўгулий ирқ вакиллари Ўрта Осиёга илк бор милоддан аввалги I минг йиллик, яъни бундан 2,5 минг йил илгари, хун қабилаларига ундан 500 йил аввал кириб келган, деган тўхтамга келади [14:22]. Т.К.Ходжайов 100 дан ортиқ экспедицияларда иштирок этди. Улардан асосийлари Шимолий Бақтриянинг прото-шаҳар цивилизациясини ўрганиш (Сополлитепа, Жарқўтон манзилгоҳлари ва некрополлари), Сумбар (Паркхай II), Орол (شاҳарнинг чап ва ўнг қирғоқлари, некрополлари), Амударё дельтаси – Миздахкан, Тўқала, Куюқалъа ва бошқалар), Тошкент (Ковунчи маданиятига оид дағн ёдгорликлари), Фарғона (Поп, Гурмирон, Обишир ва бошқа некрополлари) билан боғлиқ.

Т.К.Ходжайовнинг Г.К.Ходжайова билан ҳаммуаллифлик асосида ёзган “Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи” [15] ўқув қўлланмасида Тошкент воҳаси, Сурхондарё воҳаси, Жанубий Орол бўйи, Зарафшон воҳаси аҳолиси ва Қадимий Ўзбекистоннинг ижтимоий масалаларига оид маълумотлар берилади. Муаллифлар ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихида муҳим роль ўйнаган учта тарихий давр ҳақида тўхталиб ўтадилар. Биринчи, милоддан аввалги III-II асрларда Ўрта Осиё дашт минтақаларидан ҳозирги ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шакллана бошлаган. Иккинчи, ўзбек халқининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган IX-XII асрлар ва учинчи муҳим давр – XV аср охири ва XVI асрлар. Ўзбек халқининг асосини эса ҳозирги Ўзбекистон худудида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий сўғдийлар, баҳтарлар, хоразмийлар, шаклар,

ТАРИХ

массагетлар, қангюйликлар ва даванликлар ташкил этади, деб ёзади [15:104-106].

Г.К.Ходжайованинг “Этническая антропология Узбекистана” [13] докторлик диссертациясида Ўзбекистон аҳолисининг антропологик таркиби, уни ташкил қилувчи ирқий ва этник гурухларнинг ўзаро алоқалари, ўзбек халқининг узоқ давом этган, кўп қиррали, мураккаб этногенези ва этник тарихи муаммоси антропологик тадқиқотлар натижасида ёритилади. Ушбу тадқиқот иши мустақилликнинг дастлабки йилларида палеоантропология, соматология, археология, этнография, тарих соҳасидаги қадимги ва ўрта аср ёзма манбаларида келтирилган маълумотлардан атрофлича фойдаланган ҳолда, ўзбек халқининг этник антропологияси ва этногенез муаммолари, уларнинг Олд ва Жанубий Осиё, Евроосиё халқлари билан этногенетик алоқаларининг тадқиқ қилиниши билан антропология соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф томонидан ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи синхрон ва диахрон жиҳатларida тарихий динамикаси кўрсатилиб, антропологик белгиларнинг географик тарқалишини, маҳаллий аҳолига хос антропологик ва этник мажмуналарнинг шаклланиш қонуниятларини аниқлашга муаффақ бўлинди. Ўзбек халқининг антропологик ва этник шаклланиши тарихида муаллиф уч даврни ажратиб, Ўрта Осиёнинг ҳозирги аҳолиси, қадимги ҳамда Ўрта асрларга оид антропологик ашёларни тадқиқ қилиш натижасида Суғд, Хоразм, Бақтрия, Тоҳаристон, Парфия-Марғиёна, Чоч-Илоқ, Уструшона, Фарғона, Устюрт, Помир, Тиёншан ва Олой тарихий-маданий вилоятлар аҳолисида мӯғулий аломатларнинг пайдо бўлиш даври, асрлар давомида ўзгариб бориши, ҳозирги аҳоли таркибида нисбий миқдори аниқланиб, Ўрта Осиё антропологик ва этник тарихига оид муҳим маълумотларни олиб чиқди. Тадқиқотчининг замонавий математика-статистика услубларини кенг жорий қилиш натижасида аҳолининг ҳудудий этник ва ирқий туркумлаш тавсияси кейинги йиллар антропологик тадқиқотларида амалга оширилмади. Г.К.Ходжайова илмий изланишлари натижасида, ўзбек халқининг келиб чиқиши асосини қадими даврларда шу ҳудудларда яшаб ўтган маҳаллий халқлар ташкил этганини ва уларга турли тарихий даврларда келиб кўшилган туркий әлат ва халқлар ўзбек халқининг шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида иштирок қилган, деган тўхтамга келади.

Мустақиллик йилларининг бошларида антропология соҳасида бир қанча тадқиқотлар нашр этилган бўлса-да, кейинги йилларда бу иш фаол давом этмади. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг бир гурӯҳ тарихчи олимлар ва оммавий ахборот ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувида ўзбек халқининг келиб чиқиш муаммоси долзарб масала сифатида кўтарилди. Шундан сўнг, муаммо доирасида тарихий, этнографик, археологик, манбашунослик ва бошқа йўналишларда тадқиқотлар сони кўпайди, конференция ва семинарлар ўтказилиб, тўпламлар чоп этилди. Бироқ антропология соҳасида муаммога оид илмий изланишлар пасайди. Ўлкада саноқли саналган антрополог олимлар Т.К.Ходжайов ва Г.К.Ходжайова ҳам Россия Фанлар Академияси Этнология ва антропология институтига фаолиятини кўчирди. Малакали антрополог кадрлар тайёрлаш каби ташкилий фаолият амалга оширилмади, археологик илмий изланишлар натижасидаги материалларни антропологик таҳлил қилиш XX асрда амалга оширилган антропологик тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб хулосалар берилди ва бу, археологлар зиммасига тушди. Бу эса ўз самарасини бермади ва ҳозирги вақтгача антрополог мутахассисларга талаб сақлаб қолинмоқда.

Т.К.Ходжайов ва Г.К.Ходжайова 2000-йиллардан бугунги кунгача Марказий Осиёни антропологик жиҳатдан ўрганишни давом эттириб келмоқдалар. Уларнинг илмий изланишлари натижасида краниология бўйича Селунғур палеолит даври, Амударё дельтасидаги Афригид ва Кердер маданияти популяциясининг палеодемографияси, жанубий Орол денгизи минтақасининг Ўрта аср аҳолисининг палеодемографияси, Ўрта асрларда Фарғона аҳолиси (Мунҷактепа қабристони материаллари асосида), Шарқий Помирдаги Сўғд аҳолиси, Сўғд популяциясининг антропологик хусусиятлари, Кушон ва Бақтрия аҳолисининг антропологияси, Сополлитепа ва Жарқўтан кўмилтган жойлари материаллари асосида, Шимолий Бақтрия бронза даври аҳолисининг палеодемографияси, Бўрижар қабристони мисолида Ўрта Сирдарё ҳавzasининг ўрта оқим аҳолиси, Катта Ойбўйирқалъа мажмуасини ўрганиш, Сангиртепадан топилган краниологик материаллар ҳақида, Ўрта Осиё палеодемографияси, тарихий-антропологик тадқиқотлар натижасида ўзбекларнинг этник ва сиёсий тарихи ва шу каби масалалар ўрганилди.

2011 йилда нашр этилган “Народы и культуры” туркумининг “Узбеки” деб номланган жилдида ўзбек халқининг этник ва сиёсий тарихи, хўжалик фаолияти, оила ва ижтимоий ҳаёти, моддий ва маънавий маданияти ҳақидаги материаллар йиғилди. Етакчи ўзбек ва рус мутахассислари томонидан янги далиллар, бой материаллар асосида ёзилган ушбу китоб ўзбеклар тарихи ва маданиятини ўрганишда халқнинг этник тарихи, машғулоти, маданияти, ижтимоий ҳаёти, оила муносабатлари ва маънавий-маданият тарихига оид материалларни йиғма шаклда тақдим этди. Мазкур асарда Т.К.Ходжайов ва Г.К.Ходжайова ўзбекларнинг этник ва сиёсий тарихини тарихий-антропологик тадқиқотлар негизида ёритиб берадилар [12:14-24]. Муаллифлар ўзбек халқи этногенези, этник тарихи, ирқий типлари тўғрисида фаолияти давомида тадқиқ этган барча маълумотларини умумлаштирган ҳолда асарда келтирадилар.

2007 йилда А.Н.Сулаймонов “Тошкент антропология мактаби ва унинг Ўрта Осиё халқларини ўрганишдаги фаолияти” [11] номли диссертация ишида XX аср 20-60 – йиллари амалга оширилган антропологик тадқиқотларда Ўрта Осиё халқлари антропологик қиёфаси, этногенези ва этник тарихини тадқиқ этиш борасидаги тадқиқотларни кенг таҳлил қиласди. А.Х.Дониёров ва А.Н.Сулаймоновларнинг “Роль Ташкентской антропологической школы в изучении народов Средней Азии” [3] мақоласида Ўрта Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихини ўрганишда Тошкент антропология мактаби вакилларининг фаолиятини таҳлил қилиб, Ўрта Осиё халқларининг ирқий ва этногенетик мансублиги билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳал қилишда мактаб олимларининг ролини кўрсатиб беради.

Мустақиллик йилларида маҳаллий олимларнинг антропология соҳасига доир кам сонли мақолалари қаторига С.Т. Мирсоатованинг “Ўзбекистонда тош асли одамларининг жисмоний типлари” [6] деб номланган мақоласини киритиш мумкин. Муаллиф инсоният пайдо бўлган қадимги минтақалар, уларнинг жисмоний типлари ва тарқалиши хусусида сўз юритиб, Ўзбекистонда тош асли одамларининг жисмоний типлари ҳақида археологик материаллар асосида маълумот беради. С.Т.Мирсоатова қайд этишича, Ўзбекистон худудлари хомо эректуслар томонидан илк бор забт этилган.

Сўнгра юртимизга Ғарбий Европада пайдо бўлган неандерталлар кириб келганлар. Маълумки, неандертал типидаги одамлар Ғарбий Европа хомо эректусларидан пайдо бўлганлар ва кейинчалик бутун дунёга тарқалганлар. Бу типдаги гоминидлар бундан 100 минг йиллар муқаддам пайдо бўлган ва Ўрта Осиё худудларини бундан 50-60 минг йиллар бурун эгаллаганлар, деб ёзади [6,22-23]. А.Маликов эса ўз мақоласида ҳозирги замон антропологик концепцияларда уруғ ва қабилани ўрганишда минтақанинг ўзига хос хусусиятлари, ҳар хил ёндашувлар ва тушунчаларни таҳлил қилиб беради [5].

Кейинги йилларда Ўзбекистонда антропология соҳасидаги изланишлар ривожланмаган бўлса-да, ўлка антропологиясига рус ва хориж тадқиқотчилар томонидан қизиқиш сақланиб қолди. Бунга мисол сифатида, 2015 йилда россиялик тадқиқотчилар Н.А.Дубова ва В.В.Куфтериннинг Бўстон VI некропол материаллари асосида сўнгги бронза даври жанубий Ўзбекистон ахолисининг антропологиясига бағишлиланган асарини кўрсатиш мумкин [4].

Мустақиллик йилларида антропология соҳасида фаолият олиб борувчи тадқиқотчи кадрлар шаклланмади. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи борасидаги антропологик хulosалар совет даврида олиб борилган тадқиқотларга таяниб келмоқда. Л.В.Ошанин ва унинг давомчилари, Т.К.Ходжайов ва Г.К.Ходжайоваларнинг тадқиқотлари ўзбек халқи антропологиясига оид асосий адабиётлар бўлиб хизмат қиласяпти. Сўнгги йилларда антропология ва унинг тарихий, маданий, амалий, ижтимоий каби йўналишларида давлат университетларида ўқув соатлари жорий этилди. Ёндош фанларда педагогик, фалсафий антропология фанларини ўқитиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини антропологик маълумотлар асосида ўрганиш, антропология соҳасини тубдан ислоҳ этиш, кадрлар тайёрлаш, олиб борилаётган археологик экспедицияларда антрополигик, этнографик маълумотлар йиғиш ва уларни ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид тўпланган қадимги ёзма манбалар маълумотлари билан қиёсий ўрганиш, ахоли генетикасини ўрганиш, лаборатория тадқиқотларини ўтказиш каби масалалар ўз долзарблигини сақлаб қолган.

ТАРИХ

Адабиётлар:

1. Алексеев В.П., Аскarov А.А., Ходжайов Т.К. Некоторые проблемы комплексного изучения этногенеза узбекского народа // Общественные науки в Узбекистане. Вып.11. –Т., 1980.
2. Ганс Ф.К. Гюнтер. Индоевропейская религиозность. – Тамбов, 2006. – 80 с., [Расология еврейского народа](#). – Сампо, 2010. – 374 с., Родоведение. Наука о семье / В.Б.Андреев. – М.: «Белые альвы», 2011.
3. Дониёрнов А.Х., Сулайманов А.Н. Роль Ташкентской антропологической школы в изучении народов Средней Азии // Этнографическое обозрение. 2015. № 4.
4. Дубова Н.А., Куттерин В.В. Антропология населения Южного Узбекистана эпохи поздней бронзы (по материалам некрополя Бустон VI) [Серия «Этническая антропология Средней Азии». Вып. 4]. Москва: Старый сад, 2015.
5. Маликов А. Некоторые теоретические подходы к изучению рода и племени в современных антропологических концепциях // «Ўзбекистон тарихи» журнали. №3-4, 2016.
6. Мирсаатова С.Т. Ўзбекистонда тош асри одамларининг жисмоний типлари // “O’zbekiston arxeologiyasi”. №2 (3). Самарканд, 2011.
7. Наджимов К.Н. Антропологические материалы к проблеме этногенеза некоторых народов Средней Азии (узбеков, таджиков, туркмен и дунган) // Сборник трудов аспирантов САГУ, вып. 1. Ташкент: Изд-во САГУ, 1952. С. 29-40.. Антропологический состав некоторых народов Сурхандарьинской области и вопросы их этногенеза в свете данных антропологии. Автореферат канд. дисс. Ташкент, 1953. 24 с., Антропологический состав населения Сурхандарьинской области (в связи с некоторыми вопросами этногенеза) // Труды САГУ, новая серия, вып. 143, Биологические науки, кн. 35. –Т., 1958.
8. Ошанин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов. Ч.1. Ереван, 1957. – 139 с., Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов. Ч.2. Ереван, 1958. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов. Ч.3. Ереван, 1959.
9. Ошанин Л.В. Этногенез народов Средней Азии в свете данных антропологии: доклад на сессии Академии Наук СССР по этногенезу Средней Азии // Советская этнография. М., № 6-7. 1947.
10. Ошанин Л.В., Зезенкова В.Я. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. (Итоги 25-летних антропологических исследований в Средней Азии). Сборник статей. Ташкент: Издательство Академии Наук УзССР, 1953.
11. Сулаймонов А.Н. Тошкент антропология мактаби ва унинг Ўрта Осиё халқларини ўрганишдаги фаолияти. Тарих фан. бўй. фал. док. ... дис. – Т., 2007.
12. Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К. Этническая и политическая история узбеков. Историческая антропология // Узбеки. Серия “Народы и культуры”. М., Наука, 2011.
13. Ходжайова Г.К. Этническая антропология Узбекистана. Дис.... док. ист. наук. – Т., 1997.
14. Хўжайов Т.К. Ўрта Осиёда мўгулий ирқ. // “Фан ва турмуш” журнали. №6. 1991.
15. Хўжайов Т.Қ., Хўжайова Г.К. Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи // Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 1995.
16. Ҳошимова Д.Ф. Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг ўрганилиши (XIX аср ўрталари XX аср). дис. – Т., 1997.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)